

# ҚИШЛОҚ ХАЖИКАРА

Ўзбекистон Коммунистик партияси  
Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 18 июль

ПАЙШАНБА

№ 137 (5.180)

БАҲОСИ 6 ТИНИН

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Хафтада беш марта чоп этилади

Тавсия

## ДЕҲҚОН УЙИ КЎРКАМ, ХОНАДОНИ ФАЙЗЛИ БЎЛСИН

### ЧЕКАНКАНИ ВАҚТИДА ЎТКАЗАЙЛИК

#### БЕЛЛАШГАНДА ҒАЙРАТ ЖЎШАДИ

Қаерда меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган бўлса, уша жойда ютуқлар салмоғи кўпайиши, моддий манфаатдорлик ошиши мўҳаррар. Узоққа бормайлик. Андижон «Облагрострой» бирлашмасининг қурилиш ташкилотларида тадбиркорлик билан иш юритиш, ички имкониятлардан, ҳам ашё ва бошқа ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш ўз самарасини бераётганини таъкидлаш жоиз. Қуриб битказилган замонавий турар жой, маданий-مائий хизмат биналари пишиқ ва кўркемлиги билан аж-ралиб туради.

Бунга осонликча эришилаётгани йўқ, албатта. Кейинги ойларида бирлашма бунёдкорларнинг кучи билан 15200 квадрат метр ҳажмда уй-жой, 4180 ўқувчи таъжжаланган мактаб биналари, 280 ўқувчи болалар богчаси, 120 ўқувчи шифохона, 200 бошга мўжжалланган молхона ҳамда 2000 тонна мева-сабзавот асраладиган омборхона ўз муддатига қуриб битказилди. Бунинг пулга чақадиган бўлсак, 21 миллион 322 минг сўмини ташкил этади.

Бирлашма бунёдкорлари жорий йилда 40 миллион 519 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга бел боғлашган. Бу қийин вазифани ундашга зўр ғайрат ва омилкорлик талаб қилади, албатта. Ғишт, цемент, шифер, ёғоч-тахта қамчиликни қурувчилар учун мушкуллик туғдираётгани шубҳасиз. Улар қийинчиликларни ақл ва тадбир билан бартараф этишяпти. Бу йил 17932 квадрат метр ҳажмда уй-жой, 7159 ўқувчи таъжжаланган мактаб, 980 ўқувчи богча, 150 ўқувчи шифохона биналари, 300 томошабона мўжжалланган клуб ҳамда маданий-مائий тармоқлар учун иморатлар қад ростланиб кетди. Шунинг учун қурилиш ишлари тезкор-лик билан олиб борилаётган.

Андижон, Ўзбекистон, Олтинқўл, Пахтабод районларида жойлашган 105, 108, 108, 127, 128-хўжаликларро механизациялашган кўчма колонналар вилоятдаги тар-моқ қороналари ўртасида ташкил этилган мусобақада пешқадамликни қўлдан беришмаптир. Қурилиш матери-аллари таъминотини яхшилаш, қўл меҳнатини енгил-лаштириш, биналар таннаҳини арзонлаштириш диққат марказида. Ҳар бир қурилиш ташкилоти, участка ва бригадда меҳнат беллашувини намунади ташкил этиш ишга унум ва барака бағишлапти.

А. ЖАВБОРОВ,

«Узгирострой» матбуот маркази муҳбири.



Уйчи район марказидаги «Ғалаба»

боғи кейинги йилларда қаровсиз ҳолга келиб қолган эди. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари ун оёдонлашти-риш, меҳнаткашларнинг қинакам ҳор-диқ масканига айлантириш юзасида аниқ тадбирлар белгиллашди. Ҳозир бу ерда катта ҳажмдаги бунёдкорлик иш-лари амалга оширилмоқда. Чунки, 50 ўқувчи чойхона, 100 кишига мўжжа-ланган ошхона биналари жадал қад рост-лапти. Уйчи — Жийдақапа йўлининг

икки ёқасида савдо расталари барпо

этилапти. Айниқса, хўжаликларро 132, 138-механизациялашган кўчма колонналар-нинг жамоалари ибрат кўрсатишяпти. Абдувоҳид Сайфуллаев бошлқ 20 на-фар бунёдкорларнинг ҳиммати билан ойма 45—50 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилляпти. СУРАТДА: бригада бошлиғи А. Сай-фуллаев (ўрта) ва илгир гишт терувчи Исомидин Хожимов.

А. ЮСУФБОВЕВ олган сурат.

#### НИЯТИ УЛУҒ

Пахтачи район хўжалик-ларро таъмирлаш ва қури-лиш қоронасида Рўзи Худо-ров номини моҳир бунёдкор, ўз ишнинг устаси сифатида хурмат билан тилга олишда. Бу бекиз эмас. Мана, етти йилдирки, Рўзи ака илгир бригадда бошчилик қилиб, кишлоқларни оёдонлашти-ришга муносиб ҳисса қўш-моқда. Собига хилоси ба-ленд.

Фидокорона меҳнат, итти-лиш ўз самарасини бермоқ-да. Бригада ўтган йили аҳил жамоас 36 минг сўм ўринга 42 минг сўмлик қурилиш ва таъ-мирлаш ишларини ундади, белгиланган режани ошми билан адо этди. Улар кучи билан Киров номи жамоа хўжалигининг биринчи брига-дасида аралаш моллар дўко-ни қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бино аёло баҳо-да қабул қилинди.

Бригада аҳлининг жорий йилдаги нияти улуг. 37 минг сўмлик иш бажариш кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда ҳар бир дақиқанинг қадрига ети-либ, мажбур куч ва имко-ниятлардан расмади билан фойдаланиляпти. Ярим йил-лик натижалар чакни эмас. 19 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини ундади.

Қурувчилик касби қийин, аммо шарафли, — дейди Рўзи Худоёров. — Бу зимманимизга катта масъулият юклайди. Биз йил охиригача Мисит қишлоқ Шўросидаги 14-мактаб учун спорт зали, 5 та синф хонаси ва Киров номи жамоа хў-жалиғида замонавий дала шйпони барпо этишга аҳд қилганмиз. Аини кунда кўп-корпариямиз қизғин меҳнат билан банд.

Дарҳақиқат, шундай. Ҳам-ма нарсга, жумладан қурилиш материалларини таъкиз бўлиб турган аини дамларда икти-сод ва тежамкорлик диққат марказида тутилляпти. Тома-тама кўл бўлур. Бригада жа-моаси биринчи шу йилининг 6 ойи мобайнида 330 сўмлик оҳақ, ганч ва бошқа хил хом ашёни иктисод қилишга эриш-ди. Моддий манфавторлик ҳам шунга яраша. Ойлик маош 300—350 сўмга ташкил эта-пти. Икитомий ҳимоялаш пу-ли, болалар учун туланидиган кийим-кечак қаражатлари, ҳар чоракда бериладиган мухо-фот бу ҳисобга кирмайди.

Б. ШАМСИЕВ.

В. ИСОҚОВ.

### ҚЎЙНИДАН ТЎҚИЛСА—ҚЎНЖИГА

Ишбилармон кишилар

Ижара пудрати. Тадбир-корлик. Бу атамалар энди-ликда янги маъно касб эта-ётгани ҳар бир кишига аён. Қайси қорона ёки ташки-лотда тадбиркорлик билан иш юритилса, уша ерда меҳ-нат унумдорлиғи ошиб, мод-дий манфавторлик юқори бўлиши мўҳаррар. Бунинг йн-зазх сўз хўжалиғи қурилиш трестига қарашли 2-механи-зациялашган кўчма колон-на мисолида ҳам кўриш мум-кин. Жамоа аҳли асосан ир-ригация тармоқлари барпо этиш, мавжудларини таъ-мирлаш, тупроқ суриш иш-лари билан шуғулланыди. Меҳнатни ташкил этишнинг янги, самарали усулларига кенг йўл очилмоқда. 1991 йилдан бошлаб ижара пудра-ти асосида иш юритилляпти. Барча техникалар, асбоб-ускуна ва жиҳозлар ҳисоб-да. Маъмурият билан жамоа ўртасида шартнома тузилган. Йил давомида 3 миллион 600 минг сўмлик ишларни амалга ошириш режалашти-риляпти.

Ижара пудратининг асосий шарти мустақиллик-дир. — дейди кўчма колон-на бошлиғи Илҳом Қоиблов. — Бу бизга қанотин кенгроқ ейтиш, эриши ҳаракат қилиш имконини бермоқда. Ҳар бир жабада иктисод ва те-жамкорликка катта эътибор бериляпти. Айтайлик, қу-рувчиларга хизмат кўрсата-диган машина қайдовчиси илгари бир кунда қанча ёниги сарфлангани билан йўқ эди. Энди ундай эмас. Ҳайдовчи зарур мис-дордаги бозининг билан со-тиб олади. Шундай бўлгач, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслиғи турган гап. Чунки у ўз чўнтағига зарар-лигини яхши билади. Бошқа соҳаларда ҳам шундай. Иш-чилар, участка устаслари ҳар бир килограмм қоримани, металл тежаб-тергаб ишла-тишга ўрганиб қолишди. Бу давлатнинг мулки, керак бўлса топиб беришди, деб қурилиш материалларини, ёниги-моялаш маҳсулотла-рини, эҳтиёт қисмларни ҳу-

Ҳақ гап. Ижара пудрати Ўзбекистондаги маъмур кўчма колонна жамоасини тадбиркорлик билан иш ту-тишга, ҳар бир имониятдан оқилона фойдаланишга унда-моқда. Масалан, колонна-га қарашли битта юк маши-наси ҳар ой 1300—1400 сўм фойда келтирляпти. Ана шу маблағнинг бир қисми ёниги-моялаш маҳсулотлари, эҳ-тиёт қисмлар сотиб олиш, қорхона ахтёкларини ва бош-қа мақсадлар учун сарфлан-са, қолгани ҳайдовчи чўнта-ғига тушади. Ойлик маош миқдори ўртача 400—420 сўмини ташкил этаётгани фик-ринимиз далиллар.

Бозор иктисодиёти шаро-итида ишлаш ва яшаш осон эмас. Бунинг ҳаёт таърибаси кўрсатиб турибди. Тадбир-корлик ва тежамкорлик ҳо-дирги куннинг бош талабига айланган. Шу асосда меҳнат қилаётган кўчма колонна жа-моаси жорий йилининг бирин-чи чорағида 68 минг сўм соф даромад қилди. Бу, шубҳасиз, ҳалол меҳнат самарасидир. Олинган фойданинг бир қис-

айни танг паллада ҳам қор-хона жамоаси давлат ёрда-мига кўз тикаётгани йўқ. Чунки, у ўз жамгармасига эга. Ишлаб чиқаришдан оли-наётган соф фойда, иктисо-дий таъминотни яхшилашга мўжм аҳамият касб этапти. Биринчи апрелдан бош-лаб ҳодимларга 78 сўмдан икитомий ҳимоялаш пули ту-ланиб бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 100 сўмга етди. Ижара пудрати моддий ман-фаатдорлигини ошириш, бо-зор қийинчиликларини ен-гишда кўл келляпти. Ҳар бир кишининг тушлиғи учун 1 сўмдан қўшимча маблағ сарфланаётгани ҳам диққат-га сазовор.

Пул ҳисоб-китоби яхши кўради. Маъмурият билан икитомий ўртасида тузилган шартномага кўра йил даво-мида 850 минг сўм соф да-ромад олиш режалаштирил-ган. Бу қийин, аммо унда-ланса бўладиган иш. Йиллик қўлаш пулининг ўзига 227 минг сўм сарфлаш мўжжа-ланмоқда. Бунга тушлиқ учун туланидиган маблағ

уддабурон кишилар шаънига айтилган бўлса, аяб эмас. Хазинани бойитиш жамоас-нинг широриға айлланган, де-сак аниқлишмаймиз. Шу мақсадда пулни хизмат тур-лари қўйилтирилмоқда. Дел-лик, бирор киши уй қурмоқ-чи. У пойдевори тиклаш учун маъмурият номига ари-за берса, қийос. Кўчма ко-лонна қурувчилари бу ишни зудлик билан амалга оши-ришди. Ҳозирга қадар фу-қароларга 3200 сўмлик хиз-мат кўрсатилди.

Белгиланган топшириқлар ошғини билан ундалянаптир. Натижада қурилиш-ободо-тиқ соҳасида бажариладиган ишлар муддати қисқарапти. Бу эса икки томонлама фойдалидир. Режалдан ошқ-иқа бажаришдан иш кўчма ко-лонна кассасига соф даро-мад келтирляпти. Бултур ҳар бир ҳодимнинг маоши 283 сўмини ташкил этган бўлса, жорий йилда 415—420 сўм-га етди. Бу, албатта, чегара эмас. Келгусида қорхона бў-йича ҳар бир кишининг ўр-тача маошини 470—500

масдан жиддий чекинмишга йўл қўйилган. Парламент, унинг идоралари ва жойлар-даги халқ сайлаб қўйган ва-килларнинг фаолиятини, аҳо-лининг ҳаётини манфавторига таълуқли бўлган ҳамада бозор иктисодиётига ўтиш, иттифоқни янгилаш ва миллатларро му-носабатларни тақомиллашти-риш билан боғлиқ бўлган дол-зарб муаммоларни еритиш ўрнига сифати, ҳаққонийлиги ва мақсадга мувофиқлиғи шуб-ҳа туғдирадиган бир қанча мақолаларнинг берилиши де-

путатларда жиддий эътироз-лар туғдирилмоқда. Ўзага келган вазият ҳамада йўл қўйилган қамчиликлар учун масъулиятни раёсат аввало муҳарририят раҳбариятига, шу жумладан бош муҳарри-рининг ўринбосарлари ҳамада масъул котиблар зиммасига юкляди. Шу билан бирга Олий Кенгашнинг тегишли идор-алари томонидан муҳаррири-ят фаолияти назорат қилинма-ганлиғи ҳамада рўзномани маб-лағ билан таъминлаш масала-сида Ўзбекистон ССР Молия вазирлиғи принципсиэ йўл

тутилган таъкидлаб ўтилди. Мажлисда Олий Кенгаш ор-ганларининг фаолиятини тако-миллаштириш ҳамада улар ра-барларининг ўзларига ишониб топширилган ишдаги аҳвол учун шахсий масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раҳбариятини қўллаб-қувватлаш зарур деб топилди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг ошкоралик ва депутатлик одоби комис-сиясига, котибиятига «Халқ сўзи» ва «Народное слово»

рўзномалари муҳарририяти-нинг ишини яхшилашда улар-га амалий ёрдам кўрсатиш топширилди. Раёсат ўртоқ А. Ф. Мухто-ровни ўз аризасига асосан рўзнома бош муҳаррири ва-зифасидан озоэ этиш тўғриси-даги илтимосини қондирди. Бош муҳаррир вазифасини ба-жариш бир овоздан 304-жўш сайлоп округидан Ўзбекистон ССР халқ депутаты, Олий Кен-гаш қўмитасининг котиби бў-либ ишлаган ҳамада район рўз-номасининг журьерлигидан «Совет Ўзбекистони» респуб-

лика рўзномаси бош муҳар-рирининг ўринбосари вазифе-сига бўлган йўлни босиб ўт-ган Намоз Садуллаев зим-масига юкляди. Ўзбекистон ССР Олий Кен-гаши ваколатидаги масалалар наёбатдаги сессияга киритил-ди. Мажлисда шунингдек Ўзбе-кистон ССР Олий Кенгаши ко-митетининг тузиллигини тако-миллаштиришга оид тақлирлар ва бошқа баъзи масалалар му-ҳокама этилди, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қи-линди.

#### Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсатида

Наёбатдаги мажлисда «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномалари муҳарририятла-рига раҳбарлик қилиш ва улар-нинг ишини ташкил этишдаги жиддий қамчиликлар тўғриси-даги масала муҳокама қи-линди. Маълумки, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши В сессия-сининг қарори билан раёсатга ушбу муҳарририятлар фаоли-ятини яхшилаш юзасидан ке-

чктирилб бўлмайдиган чора-тадбирлар қўриш топширилган эди. Олий Кенгаш сессиясида халқ депутатлари муҳаррири-ятлар номига билдирган тан-кид, улар фаолиятини тақомил-лаштириш ҳамада рўзномалар раҳбариятини мустақамлаш зарурлиғи ҳақидаги тақлирлар асосли ва ўз вақтида киритил-ганлиғи текширувда тасдиқ-ланди.

Республика парламентидаги матбоб органини яратиш бў-йича қилинган ишлар билан бир қаторда рўзномалар му-ҳарририят фаолиятини таш-кил этишда ва уларга раҳбар-лик қилишда жиддий қамчи-ликларга йўл қўйилган. Молия-вий интизом ва меҳнат қонун-лари қўпол равишда бузилган-лиғи аниқланди. Муассиснинг нуқтан назаридан ва кўрсат-

«ЎзТАГ».

яратиладиган уюшмалар  
консорциумлар ва бошқ  
бирлашмалар доирасида тат  
минлаши мумкин.

19-модда. Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг жавобгарлиги

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон ССР жавобгар бўлмайди. Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари Ўзбекистон ССР мажбуриятлари

Шартнома мажбуриятларига риоя этмаган тақдирда ташқи иқтисодий фаолиятнинг субъектлари қ

тирилган зарарни қоплаш  
айбдор томонни мажбурият  
ларни бажаришдан озод эт  
майди, башарти қонунда  
ёки шартномада ўзга ҳо

20-модда. Низоларни ҳал этиш

низолаб судлар томонидан  
Ўзбекистон ССР қонуна-  
ларида ва ҳамма томонидан  
эътироф этилган ҳалдар-  
ҳуқуқ нормаларида белги-  
ланган тартибда кўриб чи-  
қилади.

21-модда. Ташқи иқтисо-  
дий фаолият тўғрисидаги  
қонуниларни бузганлик учун  
жавобгарлик

Ушбу Қонуinning ва таш-  
қи иқтисодий фаолият тўғ-  
рисидаги бошқа қону-  
н ҳужжатларининг қондада

рини бугзалини учун айб  
дорлар Ўзбекистон ССР  
қонунларига мувофиқ таж  
данлик-ҳуқуқий, маъмури  
тартибда ва жиноий жавоб  
гар бўладилар.

Социалистик  
Президенти  
И. КАРИМОВ.

14 июнь

Кенгашининг қарори

шу йилнинг 1 сентябрга қадар Ўзбекистон ССР ҳукуматининг қарорларини «Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мослаштирсин.

Тошкент шаҳри,  
1991 йил 14 июнь.

ТАРИХ ВА МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОИДАЛАНИШ  
ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ҲАҚИДА

Олий Кенгашнинг ахборот номаси, 1990 йил, 15-сөн 247-модда; 45-сон, 953-модда) «Жамоат тартибига қасд қилиш билан боғлиқ бўлган тартиббузарлик учун» сўзларидан кейин «шунингдек, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлари бузганлик учун» сўзлари билан тўдрилис.

М. ГОРБАЧЕВ.  
2 июль.

МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
УНЛАРНИ БУЗГАНЛИК  
НИК ҲАҚИДА»ГИ  
ҒРИСИДА

кучини йўқотди деб тан  
олиш ҳақида»ги 1982 йил  
8 сентябрь Фармонининг  
6-моддаси (СССР Олий Со  
ветининг вedomостлари,  
1982 йил 37-сон, 698-мод-

4. Республикаларнинг Олий Кенгашларига республикаларнинг қонунларини ушбу Қонунга муво-

СССР Олий Кенгашининг  
Раиси  
**А. ЛУКЪЯНОВ.**  
Москва, Кремль.

1991 йил 2 июль.

ДЕПУТАТ БУРЧИНГА СОДИҚ БЎЛ!

# ЭЛ ДАРДИГА МАЛҲАМ

Ғагарин дон маҳсулотлари комбинатида меҳнат қилаётганларга бўлур йил мобайнида бир килограмми 2 сўм 50 тингидан 58 килограммдан ўшди, бир литри 28 тингидан 400 килограммдан сўт сотилди. Жамоа ахтиёжидан ортиб қолган 110 тонна сўт эса давлатга топширилди. Бозор иқтисодиёти шароитида бир килограмм қорамол гўштининг баҳоси 12 сўм бўлишидан қатъий назар, амалдаги йилда ҳар кишига бўлургун нарҳда 70 килограммдан гўшт, ахтиёжга яраша сўт сотилди. Комбинат ёрдамчи хўжалиги Денов дон қабул қилиш корхонасига ўттиз бош зотли ғўнанинг сотди.

Қурбон Амиркуловнинг иш кабинети комбинат ҳудуди, деб ҳазил-мутойба қилинади. Аслида ҳам шундай, Юмшлар ҳар кун эрталаб йўл ёқасидан шок-тутлар соҳида режалаштирилди. Бош ҳисобчи муҳимликни меҳнатдан тортиб, олдичи ишчида шу ерда топшириқ олади. Корхона ихчам бўлишига қарамадан, режалаштирилган ишлар охири кўринмайди.

Бундан бир неча йил илгари Қурбон ака муҳандисликдан ўз фаолиятини бошлади.

— Бизда мен бош ҳисобчи ёки бош муҳандис, шофёр ёки тракторчи деган гаплар йўқ, — дейди Қурбон Амиркулов. — Бугун шофёр бўлса, эрта шанба-ликда курувчилик қилиши мумкин. Аввало ҳаммамиз жамоа ишчисимиз. Комбинатда қилинаётган иш фақат одамларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилганлигини тўғри танишимиз. Корхонага бошқича таъинланганимдан сўнг, янги етказ қурилишнинг ниҳоятсига етказиб, сурхондарёликларни Амударё соҳилида еттиштирилган туғуқда баҳраманд қилишнинг илҳам қилган эдик. Орашунга етдик. Ҳозир ҳар йил 14 минг тоннагача туғуқ ишлаб чиқариламоқда. Янгида ҳеч қуввати ошмирилди, маҳсулот сифати яхшиланди. Албатта, ҳовла деган билан оғиз чўчилади. Қурилиш билан шуғулланавергач, ўзинг ҳам қурувчи бўлиб кетаркансан. Молхона, буёқхона, сугирларни соғиш хонаси, ҳўналарни сўчимга боқиб учун махсус бўлмалар, лимонзор қурилишнинг режалаштирилди. Қурилиш материалларининг саксон фойзидан кўпроги ташландиқ, темир-тераскалардан йилгилди.

Ҳозир ёрдамчи хўжаликда 240 бош қорамол, олти бош бия парваришланаётди. Шунча молга Жўракул Норқо

узондаги бўғдойдан яқиндаги сомон афзал, деган нақли бор. Нега энди ўзимиздаги ибратли ишларни қадрлаб қўлламаймиз.

Едимда, бундан икки йил муқаддам жумҳурият Дон маҳсулотлари вазирига худди шу корхонада қўғғаз-малли семинар ўтказди. Унинг иштирокчилари корхонада амалга оширилаётган ишларни кўриб ҳавас қилишди. Айниқса, ёрдамчи хўжалик уларда катта таассурот қўлди. Тан бериш ўз йўлига. Бироқ хоҳиш, интилиш бор экан, ана шундай ишларни давом эттириш, тажрибаларни ёйишга ёрдамлаш керак. Ўшанда меҳмонлардан бири: комбинат Қурбон Амиркуловнинг иккинчи уйи экан, деганида Қурбон ака «Йўқ, янглишдингиз. Комбинат менинг биринчи уйим», деб жавоб берганди.

Ҳақиқатан ҳам Қурбон ака тонг отди дегунча комбинатга йўл олади. Уйи, оиласидан кўнгли тўқ. У ердаги қомушлар уй бекаси Саодат опанинг зиммасида. — Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодим кўрсатилгач, имкониятларимни чамалаб кўрдим, — дейди Қурбон ака. — Сайловдан учрашувларидан кўп ваъда бермадим. Комбинатимизда бир кунда 130 тонна ун ишлаб чиқарадиган тегиримон қуриш, қишлоқларни газлаштириш ишларини зиммага олганим рост. Ваъда бажарилапти. Тегирмон қурилишида лойиҳалаштириш ишлари ниҳоятсига етди. Амалдаги йилда 250 минг сўмлик, келгуси йил эса 1,3 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Газлаштириш масаласига келсан йил давомида Иттифоқимизнинг ўнлаб шаҳарларида бўлиб, ҳозиргача 10 минг тоннадан зиёд ҳар хил ҳажмдаги газ ва водопровод қурувлари келтирилди. Бир тонна металл анжонинг уруғидек қадрили бўлиб турган пайтда ун минг тонна қурув олиб келингани оз бўлса-да меҳнат қилаётганимизни аниқлатади. Қурув ишлаб чиқарадиган корхоналарда бўлиб, завод ишчиларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш учун 20—30 минг сўм маблағ ўтказдим. Улар режалаштирилган таъбиранган маҳсулотнинг ўн фоизини бизга сотишди. Дастлабки маблағни хўжаликлардан оли-

дик. Қурилиш ниҳоятсига етказилди, фойдаланишга топширилгач уларни яна эгаларига қайтардик.

Депутат ҳам тапши айтган экан. Комбинат ишқарисига кирган киши ўзини тўғ қандайдир завод ёки базалда юртда хис этди. Ун минг тонна ҳар хил ҳажмдаги қурув таҳлилиб турибди.

Газ қурувларини излаётганимизда водопровод қурувларида дуч келдим, — дейди Қурбон ака. — Газлаштириш депутатлик нақзи экан, хўш бўлиб бустонга айланганди ҳамюртларимга. Хўжайинлар сувини келтирсан, нур устига аъло нур бўлмайми, деган мақсадда ана шу қурувларни ҳам олишга аҳд қилдик. Устини қоплаш учун Япониядан махсус плёнка келтирганимиз. Энди қўлқуварларнинг тезроқ газ ҳамда ичимлик сувдан баҳраманд бўлишлари қурувчиларимизнинг ҳимматида бўлади.

Имконият бор-у, фақат ишчи кучи етишмайпти. Водопровод қурувларини пайвандлашда йилларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш кўчма колоннасида 20 киши, «Ўзбекгастро» трестидан 30 киши меҳнат қилмоқда. Бу албатта оз.

— Назаримда, инсон ҳеч қачон ўз ишидан қониқмаслиги керак, — дейди депутат. — Ана шу ишларни қилиб қўйдим-ку, деб хотиржам бўлсангиз, ҳаёт шу ерда тўхтаб қолаётгандек... Янгида бўлиб ўтган Олий Кенгаш сессиясида халқ депутатлари 36 иш кунини миқдорига меҳнат олгусиса берилишига қарор қилинбди. Афсуски сессияда қатнаша олмадим. Ўша ерда бўлганимда, албатта қарши овоз берган бўлардим. Республика халқ депутати 36 кун дам оладиган бўлса, ҳозирги танг шароитда йилгил қолган ишларимизни қим қилди? Мен учун яхши дам самарали меҳнат, белгиланган режаларнинг амалга ошиши, жамоа аъзолари турмушини имконият даражасида даровон қилиш.

Қурбон аканинг интилиши улуғ. Қани, энди ҳар бир киши ана шундай қуйинчаклик, фидойилик билан меҳнат қилсан.

**Б. КЕНЖАБОВЕВ,**  
«Қишлоқ ҳақиқати»  
мухбири.

## БУЛОҚ ЁНИДАГИ ЎТОВ

Чимбойдаги «Биринчи май» давлат хўжалиги ҳудудидида «Орол бўғи» деб аталган соғломлаштириш комплекси очилди. У Орол ва Оролбўйини қутқариш республика жамоатчилик комитетининг ташаббуси билан барпо этилди. Бунинг учун маблағ фуқароларнинг аҳсонларидан, меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотлари ўтказган пулдан ҳамда Оролга ёрдам қилиш учун ўтказилган шанбаликлардан, узлуксиз телекўрсатувлардан ва бошқа меҳр-муруват тadbирларидан тушган пуллардан ташкил топган «Орол» хайрия жамғармасидан ажратилди.

Қорақалпоғистонда тиббий муассасалар етишмаётган пайтда янги шифохона Орол

бўйидаги даволанишга муҳтож кишилар учун жуда қўл келди. Бу ерда сувни шифобахш булоқ бор. Бу сувдан невролгик, полиартрит, бод ва бошқа касалликларни даволаш учун фойдаланилади.

Булоқ атрофида ҳозирча 16 та ўтов тикилди, уларда дастлабки 30 нафар дам олувчи жойлашди. Дўшхона, ошхона барпо этилди, муолажалар учун хоналар жиҳозланди. Даволаш 17 кун давом этади.

Соғломлаштириш масканда малакали тиббий ходимлар ишлашапти. Ёзлик лагер яқинида «Орол» кўмитаси ташаббуси билан 250 ўрикли бино қурила бошланди. (ЎзТАГ).

Жада Қавола, Сўфиён, Тилқончи қишлоқларининг экинзорлари, бозорларини сув билан таъминлаш яхшилади. Хўсан Рўзиев ишни шу билан ташлаб қўйгани йўқ. У елиб-юғуриб тегишли идоралар билан доимий алоқа бўлаб, қишлоқ ички йўллари асфальт қилиш, хонадонларга табиий газ ва ичимлик суви келтириш режаларини тузмокда.

**Ж. ИҲЛОШЕВ.**

## АСР БАЛОСИ

**МАНАУС.** (Бразилия). (ТАСС мухбири Владимир Голеников). Бразилия матбуотидаги нашрчи Яномани қабиласига кирувчи хидиллар орасида СПИД касали аниқлаб, деб берган шов-шувга сабаб бўлган хабари ҳозирча илмий жиҳатдан тасдиқлангани йўқ, деб татқиқлади Манаус дорилфуннинг профессорси Маркус Баррус. Бразилия Амазонияс похтахтида журналистлар билан учрашувда у хидилларнинг катта бир гуруҳини текшириш натижасида уларнинг баъзиларида СПИД вирусининг ўзи эмас, балки организмда СПИД вирусини бора-борининг аниқланганлигини маълум қилди.

Ҳозирги шов-шувнинг сабаби шундаки, Яномани хидиларнинг энг қадимий элалари ҳисобланади. Бу қабилалар Бразилия Амазониясининг шимолий қисмида яшайди ва турмуш тарзи жиҳатидан

ер юзидан энг ибтидоий қабилалардан ҳисобланади. Амазониянинг шу қисмида 1975 йилда «олтин вавасаси» бошлангандан сўнг бу ерга минглаб олтин изловчилар кела бошлади. Яномани қабиласи ҳаммага дўстона муносабатда бўлиши тўғрисида аниқлаб олиш зарур. Шу вақтгача маърифат билан мутлақо мулоқатда бўлмаган хиди қишлоқларига олтин изловчилар билан биргаликда турли касалликлар, биринчи навбатда безган касаллиги ҳам келди.

Хидилларга СПИД вирусини юқулганлиги тўғрисидаги гаплар тасдиқланганидан бўлса, бунда олтин изловчилар айдорлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмайди. Чунки маъмурият хидилларни яшайдиган районларга олтин изловчилар суқулиб киришни чеклашга қанчалик уринишлар, улар Амазонияда ҳеч қандай назоратсиз иш олиб бормоқдалар.

## «УСТИКА» ЖУМБОҚЛАРИ

**РИМ.** (ТАСС мухбири Алексей Голеев). «Устика» ишда янги жумбоқлар пайдо бўлмоқда. — «Сталма» газетаси 1980 йилда Сиднейдаги Устика ороли яқинида фалокатга учраган ва бунинг натижасида 81 киши ҳалок бўлган самолёт парчалари орасида «қора қути» топилганлиги тўғрисидаги хабарни ана шундай шарҳлади. Гап шундаки 1987 йилда фалокат содир бўлган жойини текширган ва денгиз тубидан самолётнинг айрим парчаларини олиб чиққан «Ифремер» француз фирмасининг мутахассислари ўшанда тергов учун аҳамиятли ҳеч нарса қолмади, деган эдилар.

Шунга қарамай, инглиз мутахассислари яқинда фалокат содир бўлган жойда

ишлаб бошладилар. Улар олдин Американинг «Ер-хаво» туркумидagi ракеталари парчаларини топган эдилар. Энди эса «қора қути»ни топшиш эҳсоси, дейишди мутахассислар.

Хабар қилинишича, топилган «қора қути»даги ёзувларни фақат Япония ёки Америка аппаратурлари ёрдамида аниқлаш мумкин. Шунинг учун қути ана шу мамлакатлардан бирига юборилди. Бироқ терговчиларда бу Устика яқинида фалокатга учраган «ДС-9» самолётидаги қора қути эканлиги ҳақида ҳозирча ишонч йўқ. Улар бу қути терговини бутунлай қалғитиш учун нейтронли ташлаб қўйилган бўлиши мумкин, демоқдалар.



Норин районидagi «Ғалаба» жамоа хўжалигида Қаҳрамон она Холисхон Исоқовани яхши танишди. У колхоз сўт-товар фермасида узоқ йиллардан бери ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Х. Исоқова ўзига биринчи-рилган 27 бош ситирнинг ҳар бириндан 10—12 литрдан сўт соғиб олишга эришмоқда. Х. Исоқова яқинда колхоз бошқаруви билан келишиб, ўз ховлисида фермер хўжалигини ташкил қилди. 5 бош ситир олиб парвартиш қилмоқда.

СУРАТДА: Х. Исоқова. Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

# МУТАХАССИСЛАР МАСКАНИ

Мамлакатни юз берган оғир аҳволдан чиқариш надрларнинг қай даражада матонат кўрсатиб, сабот билан меҳнат қилишга бориладир. Шунга қўра, бугунги кунда совет мактабларида, хўнар-техника ва махсус ўқув юрларида, олий билимхоналарда дарс бераётган ҳар бир ўқитувчи, ишлаб чиқариш устаси ижодий изланишлар билан бир қаторда ёшларнинг чинакам тарбиясини айланишлари зарур.

Бу борада кейинги йилларда Қашқадарё вилояти Қарши кооператив техникумида анча ўзгаришлар рўй берди. Техникум жамоаси 20 йилдирки, турли хўжаликлар учун бухгалтерлик, товаршунослик, пазандалик, қандолатчилик, нововийлик касби бўйича 5000 дан ортиқ мутахассис тайёрлаб етиштирди. Бу малакали надрлар айти пайтда хўнар-техника билим юрларида, санатор корхоналарида, вилоят, шаҳар корхоналари ва матбуот соҳасида меҳнат қилмоқдалар. Бундан ташқари айрим билим юрларида ўқув ишлаб чиқариш таълимидан дарс берувчи усталар бу техникумни битириб, фаолият кўрсатаётдилар.

Ҳозирги пайтда билим масканида қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрланади: ҳисобчилик, товаршунослик, сотувчилик, пазандалик, қандолатчилик, нововийлик... Ҳар йили кундузги бўлимига 150 нафар, сиртки бўлимига ҳам шунча, билим юртиридан 180 нафар ўқувчи қабул қилинади. Ўқув маскани ўзининг замонавий моддий базасига эга. 21 та кабинет, 2 та лаборатория, 35 минг китоб жамғармасига эга бўлган кутубхона лаборатория таълимнинг зарур воситалари, замонавий ускуналар билан жиҳозланган, компьютерлаштирилган. Билим даргоҳида ўзбек, татар, рус, украин, тоjik, турман, лезгин, араб миллати вакиллари таълим-тарбия олиб, хўнар ўрганмоқдалар. Ҳозирги пайтда янги ўқув йилига қабул давом этамоқда.

Техникум қандаш билим бўлимида иборат: умумтаълим, иқтисод, бухгалтерия, лаборатория ҳамда махсус фойдалар бўйича илмий кеситашлар иш олиб бораётди. Барча билим юрларида ҳам таълими лозим бўлган муаммолар талайгина. Техникум ўзининг спорт комплекси эга бўлса-да, чўчилик ҳаваси йўқ эди. Бу муаммога ҳашар йўли билан барҳам берилди. Ҳозирда 150 ўрикли ошхона ўқувчилар хизматига. 4 қаватли, 250 ўрикли янги корпус қурилади. Булардан ташқари ўрта махсус малакага эга бўлган мутахассислар тайёрлаш, моддий техника базасини яхшилашга эътибор кучайтирилмоқда. Айниқса, махсус ўқув юрлари билан ижодий алоқа боғлашга киришилганлиги барча тадбирлар техникумда ўқув жараёнини мустахкамлашга қаратилган.

**Б. УМИРОВ.**

## Хушхабар

Қарши тажриба ремонт-механика заводи рўзгор газ қозонлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бундай қозон 180 квадрат метр майдонга эга бўлган бинони исити олади, ванна ва сауна сувларини иситилади. Қурилишдан одатдаги ҳолодликка ўхшаган бу ускуна 600 сўм туради. Корхона бу йил шундай агрегатлардан уч мингтасини тайёрлади.

Самарқанд кимё заводи билан Германиянинг «Тип-Топ» фирмаси ўртасида шартнома тузилди. Бу шартнома экология вазиятини яхшилашга ёрдам бериши керак. Фирма корхонага ишлаб чиқариш чикиндилари — фосфогипсини тўплагичга ҳайдайди қурувларини етказиб беради. Фирманинг бу маҳсулоти Чоржўй кимё заводида аъло даражада ишламоқда. Унинг ўрнатилганга тўққиз йил бўлди.

(ЎзТАГ).

## ИШОНЧ ОҚЛАНМОҚДА

Букоро районининг Каюламаҳмуд қишлоқдаги маҳалли Советларга сайловлар арасидаги номзодлар олдига бир қатор вакиллар қўйилган. Ҳўш, нақзалар, берилган ваъдалар қандай бажарилаётган?

Тўймурод Гадов — Каюламаҳмуд қишлоқ Кенгашининг депутаты. У «Партия XXVII съезди» жамоа хў-

муш шариотини яхшилаш, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак беришга қаратилмоқда.

Депутат ҳақ албатта. Бугун у бошқича 3-бригада жамоаси ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йилида бир қатор ютуқларни қўлга келтирди. Бултур ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олди. Пахтакорлар даромади кўттилгандан сўнг эътибор Кўлхозчиларнинг йил бўйи топган пулларининг ҳар сў-

мига яна икки баробар қўшимча ҳақ тўланди. Бу шубҳасиз мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишига имкон бераётди. Маълумки, бугун республикада XXII съезди қарорларини бажариш устида бир қатор тадбирлар ишлай қилинди. Бу эса маҳаллий ҳокимият вакиллари зиммасига улкан вазифалар қўйди. Съезд белгиланган режа ва тадбирлар асосида иш юритаётган Тўймурод Гадов бошқича бригада пахтакор-



# ТАРИХИЙ ВОҚЕА

эмас, балки бошлангани, деб ҳисоблаймиз». СССР Кубага иқтисодий ёрдам беришни тўхтатиш ниятида, деган саволга жавобан Виталий Игнатенко айтдики, сўнгги йилларда Совет Иттифоқи Кубада вужудга келган шароитларга ўз муносабатини ўзгартирди. «Биз у ердаги маъмуриятнинг Америкага қарши ишларни қўллаб-қувватлаётганимиз, лекин бироқ мамлакатда ёрдам беришни тўхтатишни шарт қилишнинг маъноли деб ҳисоблай олмаймиз», — деди у.

В. Игнатенко Ироқдаги аҳволга тўхталиб, СССР Ироқ ҳукумати БМТ қарорларини бажариши учун унга тасйир ўтказишнинг ҳарбий воситасидан ташқари барча воситалардан фойдаланиш тарафдоридир, деди.

Журналистлар билан учрашувда СССР бош вазирининг биринчи ўринбосари, СССР иқтисодиёт ва ишчи-корхона аниқлаш вазири Владимир Шчербаков таъкидладики, режалаштирилган одамлар учун фойдаланиш иқтисодий сивасини ишлаб чиқиш чоғида ҳукуматнинг энг муҳим мезонидир. «Биз одамлар учун фойдали бўлган ҳамма нарсадан фойдаланиш керак, деган оддий қондага асосланамиз» — деди у. — Агар бозор иқтисодиёти одамлар-

нинг ахтиёжларини янада самаралироқ қондирадиган бўлса, у рубога чиқарилиши керак». У Совет ҳукумати иқтисодларини ўтказишда сусткашлик қилди, ўзгаришларни етарли даражада ғайрат ва қатъий билан амалга оширмайди, деган гапларни рад этди. «73 йил давомида бўйқўбозлик — маъмуриятчилик — тизимида яшаган мамлакат иқтисодиётининг ўзга турига бир дақиқада ўта олади, деб ушунга соддалик бўлур эди», — деди у. — Биз иқтисодлар жараёни назорат остида ўтишти, бу жараён ўз ҳолига ташлаб қўйилмаслигига қарамай қилмоқдамиз. Ҳар қандай иқтисодиётда режалаш асослар бор ва улардан фарб мамлакатларда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Иқтисодиётни режалаштиришдан бутунлай воз кечиш мутлақо авантюризм бўлур эди». «Агар ҳукумат дастурига кенгроқ қараладиган бўлса, деб давом этди у. — у ҳолда биз ишчи мулкни хусусийлаштириш сари, мудоффа корхоналари йўналишини ўзгартириш, сўмга эркин тус бериш ва уни эркин алмаштириладиган қилиш, бутун мамлакат ҳудудида одамлар ва товарларнинг эркин ҳаракати, хорижий компаниялар билан ҳамкорлик сари олиб бораётганлигимизни кўриш мумкин. Биз ҳарбий харажатлар юкни қаматиришлар уриняпмиз. Бундай харажатлар сўнгги уч йил ичида тахминан 26 фоиз камайди. Биз мудоффа корхоналари-

нинг 80 фоизгача қисmini ўз йўналишини ўзгартаришга жалб этилмиз. Бу корхоналардан 400 тасини 100 фоиз тинч маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказиш ниятидаммиз». Владимир Шчербаков самоволлардан бирига жавоб қайтариб, ҳукумат сўмининг эркин алмаштириладиган бўлиши тарбиянинг ёрдамисиз, ички ҳокимият ҳисобига таъминлаш мумкинлигини айтди. Бироқ, деди у, бу ҳолда кутилмаган таъминлашлар юз бериши, бундай чаллашлардан ана шу тадбирнинг муваффақиятсиз чиқаришига олиб бориши мумкин, 1948 йилда Англияда инглиз фунт стерлингини эркин алмаштириладиган қилишга биринчи марта уриниш қилинганда худди шундай ҳолат бўлган эди. «Бундай операция муваффақиятли ўтиши учун қўшимча равишда 10—12 миллиард доллар керак бўлади», — деди у. Шунга ҳам таъкидлаш керакики, бу пуллар биз учун эмас, фойдани ўз мамлакатига олиб кетишга қафолат бўлишини хошлаётган хорижий компаниялар учун кўпроқ зарур бўлади».

Владимир Шчербаков совет матбуоти эътиборини жалб қилган совет нефть кондарида биригаликда фойдаланиш тўғрисида Американинг «Шеврон ой» нефть компанияси билан битим тайёрланганлигига тўхталиб, таъбирларни ишлари давомида айрим жиҳатлар унутиб қўйилганлигини, бу эса битимни тенг ҳуқуқли эмас деб ҳисоблашга асос бўлганлигини тан олди. Унинг гапларига қараганда, ҳозир аҳволни ўнглаб олиш учун иш олиб борилаётган.

